

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

29 май 2018 й.г. № 399

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга
рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон ва «Заргарлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3199-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериладиган иш турлари (фаолият турлари гуруҳлари доирасида) рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни сотишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериладиган савдо қилиш турлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси беришда идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик қилиш схемаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (кейинги ўринларда Асиллик палатаси деб аталади) томонидан фақат Давлат хизматлари кўрсатиш марказлари орқали ёки Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали берилади;

б) Асиллик палатаси томонидан илгари берилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари 2018 йил 10 июнгача қайта расмийлаштирилиши керак, кўрсатилган муддат тугагач улар ҳақиқий ҳисобланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2018 йил 1 июндан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Асиллик палатаси:

2018 йил 1 июндан бошлаб қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларининг ушбу қарорга мувофиқ берилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда илгари улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари-Молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг бош директори Б.Б.Собиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 29 майдаги
399-сон қарорига
1-илова

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун
рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси деб аталади) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси - юридик шахсларга қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш, рўйхатдан ўтказиш маълумотлари реестрига киритилганини тасдиқловчи тегишли ахборот тизими таркибида матрицали штрих кодига (кейинги ўринларда QR код деб аталади) эга бўлган заргарлик буюмлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

ариза берувчи – Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш порталига (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун тегишли ариза билан мурожаат қилган юридик шахс ёхуд у тарафидан белгиланган тартибда ваколат берилган шахс.

3. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш фақат Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ёхуд Ягона портал орқали амалга оширилади.

4. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (кейинги ўринларда Асиллик палатаси деб аталади) томонидан:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширишга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича беш йил муддатга;

заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар (кейинги ўринларда заргарлик буюмлари деб аталади) билан савдо қилиш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича бир йил муддатга берилади.

5. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш, илмий, ҳарбий, ўқув ва ижтимоий-маданий мақсадларда (шу жумладан, ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда) қазиб олувчи, қайта ишловчи, ишлов берувчи, савдода воситачилик хизматлари кўрсатувчи (шу жумладан, ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда), сотиб олувчи, гаровга қабул қилувчи, баҳолаш, сақлаш, кўрсатилган қимматликларни, турли предметлар ва уларни ташкил этувчиларни кўрғазмага қўйиш билан шуғулланувчи, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик

шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат кўмитасига идоравий мансуб ҳарбий қисмлар, тузилмалар, бўлинмалар, ташкилотлар ва муассасалар кейинчалик қайта ишлаш корхоналарига жўнатиш учун таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган узел ва деталларни ажратиб олиш мақсадида ҳарбий техника воситаларини утилизация қилувчи бошқа вазирликлар ва идоралар Асиллик палатасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Агар ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ишларнинг турлари ташкилотнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бир ёки бир нечта таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилса, бўйсунушида ушбу таркибий бўлинмалар бўлган ташкилот рўйхатдан ўтказилади. Бунда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси, тегишли бўлинманинг реквизитлари кўрсатилган ҳолда ташкилотга - юридик шахсга расмийлаштирилади ва ҳар бир таркибий бўлинма учун алоҳида берилади.

6. Асиллик палатасида:

таҳлил учун азот кислотали кумушдан, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган сотиб олинган ускуналар, приборлар, электрон техника, тиббиёт техникаси, ташкилий техника, бутловчи буюмлар, узеллар ва деталлардаги ишга тушириш-тартибга солиш қурилмалари ва автоматикалардан (олдин сотиб олинган ускуналар, приборлар, тиббиёт техникаси, ишга тушириш-тартибга солиш қурилмалари ва автоматикаларга янгидан сотиб олинган таркибида қимматбаҳо металллар бўлган эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, узеллар ва деталлар бундан мустасно);

кумуш таркибли ёруғликка таъсирчан материаллардан фойдаланувчи юридик шахслар, шунингдек кинофоторентген-плёнкалар, кинофоторентген-пластинкалар ва шу каби материалларни ишлатувчи кинодан нусха кўчирувчи корхоналар ва киностудиялар рўйхатдан ўтказилмайди,

7. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 2 ва 3-иловаларда назарда тутилган фаолиятнинг муайян турларига (фаолият турлари гуруҳлари ёки уларнинг қисмлари доирасида) ишлар турларининг бир гуруҳи доирасида берилади.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра фаолият турларининг турли гуруҳларида назарда тутилган ишларни амалга оширишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси фаолият турларининг ҳар бир гуруҳига алоҳида расмийлаштирилади.

8. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади ва тегишли ахборот тизими реестрига ёзилганлигини кўрсатувчи, шу жумладан, Интернет тармоғига манзилли ҳаволани ҳам идентификация қилиш имконини берувчи, тегишли дастурий – аппарат ускуналар ёрдамида текширилганида ариза берувчи ҳақидаги асосий ахборот (давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги маълумотлар) мавжуд бўлган QR кодини ўз ичига олади.

9. Асиллик палатаси бошлиғи берилган, қайта расмийлаштирилган, муддати узайтирилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, амал қилиши тўхтатилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ўз вақтида тегишли ахборот тизимига ўз вақтида киритилиши учун шахсан жавоб беради.

2-боб. Рухсат бериш талаблари ва шартлари

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига иловаларда назарда тутилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рухсат беришдаги рухсат бериш талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширганда белгиланган талабларга мос мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари мавжудлиги;

фаолият кўрсатиладиган жойларда ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техник мустаҳкамлик ва материаллар, хомашё, тайёр буюмларни сақлаш қоидалари талабларига риоя қилиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника база, ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги.

11. Фаолият турлари гуруҳлари доирасида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рухсат берилганда кўшимча рухсат бериш талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

а) ломбард, микрокредит ва баҳолаш фаолиятини амалга оширганда:

тегишли фаолият тури билан шуғулланишга ҳуқуқ берувчи лицензияга эга бўлиш, лицензия талабларига риоя қилиш;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси расмийлаштирилган фаолият турлари гуруҳларига мувофиқ қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширишга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

б) таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хомашё билан ишлаганда, ишлаб чиқариш мақсадларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланилганда, қимматбаҳо металллардан авиация ва/ёки ҳарбий техникада фойдаланилганда:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширишга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

ариза берувчи томонидан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш юзасидан талабларга мажбурий риоя қилиниши, қимматбаҳо металлларнинг чиқинди ва парчаларини қайта ишлаш корхоналарига топшириш учун тайёрлаш, қадоклаш, ташиш ва қабул қилиш-топшириш шартларига мажбурий риоя қилиниши;

Ариза берувчи томонидан Асиллик палатаси томонидан белгилаган муддатлар ва шакллар бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботлар тақдим этилишининг мажбурийлиги;

в) таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналар билан ишлаганда:

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналар билан ишларни амалга оширишга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш юзасидан талабларга ариза берувчи томонидан мажбурий риоя қилиниши, қимматбаҳо металлларнинг чиқинди ва парчаларини қайта ишлаш корхоналарига топшириш учун тайёрлаш, қадоқлаш, ташиш ва қабул қилиш-топшириш шартларига мажбурий риоя қилиш;

г) ижтимоий-маданий мақсадларда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланилганда:

ижтимоий-маданий мақсадларда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш юзасидан талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш юзасидан талабларга ариза берувчи томонидан мажбурий риоя қилиниши;

д) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланганда:

заргарлик буюмлари билан савдо қилишга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

заргарлик буюмларини сотиш тартибига, уларнинг бутлигини, ҳисоби юритилиши ва сақланишини таъминлаш талабларига риоя қилиш.

3-боб. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун зарур ҳужжатлар

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 2-иловада назарда тутилган ишларни (фаолият турлари гуруҳлари доирасида) бажариш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ариза берувчи конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига шахсан ўзи бориб ёки Ягона портал орқали электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда ўринларда ЭРИ деб аталади) билан тасдиқланган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун электрон шаклдаги аризани ушбу Низомга 4-иловада назарда тутилган шакл бўйича қуйидагиларни кўрсатган ҳолда беради:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган жойи (почта манзили), фаолият юритиш жойи (манзил), банк бўлинмаларининг номлари ва банк ҳисоб рақамлари, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-саҳифа – мавжуд бўлса;

ариза берувчи амалга оширишни мўлжаллаётган фаолият (лар) тури (ёки уларнинг қисми);

тарози ва тошлар (ҳар хил оғирликдаги) текширилганлиги ҳақидаги маълумот;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш мўлжалланаётган бинонинг ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бериши ҳақидаги маълумот;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллар билан ишлаш мўлжалланаётган объектлар учун объектнинг техник мустаҳкамлиги ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш

бўлинмалари техник кўриклаш Маркази (пункти)га уланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун берилган ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

Ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига иловаларга мувофиқ фаолият турлари гуруҳлари доирасида назарда тутилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш турлари гуруҳининг ҳаммасини кўрсатган ҳолда ёки гуруҳдаги исталган бир нечта фаолият турларини кўрсатган ҳолда ариза бериш ҳуқуқига эга.

13. Ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 3-иловада назарда тутилган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар билан савдо қилиш турларига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига шахсан ўзи бориб ёки Ягона портал орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш тўғрисидаги электрон шаклдаги аризани ушбу Низомга 4-иловада назарда тутилган шаклда қуйидагиларни кўрсатган ҳолда беради:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган жойи (почта манзили), фаолият юритиш жойи (манзил), банк бўлинмаларининг номлари ва банк ҳисоб рақамлари, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-саҳифа – мавжуд бўлса;

ариза берувчи амалга оширишни мўлжаллаётган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар савдоси тури (турлари);

тарози ва тошлар (ҳар хил оғирликдаги) текширилганлиги ҳақидаги маълумот;

заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмлар билан ишлаш мўлжалланаётган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумот;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун берилган ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

Ариза берувчи заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмлар савдоси билан шуғулланиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 2-иловага мувофиқ назарда тутилган фаолият турлари доирасида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашнинг барча турларини кўрсатган ҳолда ёки ушбу гуруҳлардаги исталган бир нечта фаолият турларини кўрсатган ҳолда ариза бериш ҳуқуқига эга.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 4-иловада назарда тутилган электрон идоралараро ҳамкорлик тизими схемасига мувофиқ Асиллик палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун зарур бўлган бошқа ваколатли идоралардаги мавжуд маълумотларни белгиланган тартибда мустақил равишда олади.

15. Асиллик палатасига:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилиши учун аризаларни ариза берувчидан бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда олиш;

Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ягона порталга мурожаат қилган ариза берувчиларни уларнинг аризалари кўриб чиқиладиган жараёнлар даврида таклиф қилиш;

ариза берувчилардан ушбу Низомнинг 12 ва 13-бандларида назарда тутилмаган маълумотлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

16. Ариза берувчи аризада у томонидан берилган ариза кўриб чиқилиши натижаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақидаги билдиришнома шаклини кўрсатади.

Ариза берувчининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун берган аризасида электрон манзили кўрсатилиши унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома электрон шаклда берилишига розилигини билдиради.

17. Ариза берувчи шахсан ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ходими Асиллик палатаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган давлат хизматлари паспортига мувофиқ аризанинг тўлиқлигини текширади.

Ариза рўйхатга олингандан кейин Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ходими ариза берувчига ариза қабул қилганлиги ҳақида тилхат беради ёки аризанинг нусхасига аризанинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги рақамни кўрсатган ҳолда тегишли белги қўяди.

18. Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ходими ариза берувчи томонидан шахсан топширилган аризани олган куни Ягона портал орқали Асиллик палатасига юбориладиган хизматлар паспортига мувофиқ шаклда аризада кўрсатилган маълумотларни киритади.

19. Ариза берувчи ўзи турган жойдан бошқа жой бўйича Давлат хизматлари кўрсатиш марказига мурожаат қилган тақдирда унинг аризаси Давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан Ягона портал орқали Асиллик палатасига юборилади.

Ариза берувчи томонидан ариза Давлат хизматлари кўрсатиш марказига электрон ускунада тақдим этилса, Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ходими, зарурат бўлганда, Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг ўзига ўзи хизмат қилиш учун ажратилган хонасида унга аризани Ягона портал орқали жўнатишга кўмаклашади.

Қоғозга расмийлаштирилган “PDF”да (ҳужжатларнинг платформааро форматида) нусхалар шаклида бўлган сканерланган ҳужжатлар илова қилинган маълумотларни жўнатишга рухсат этилади. Ҳар бир ҳужжат алоҳида файл шаклида бўлиши, ҳар бир файлнинг ҳажми 10 Мб дан ошмаслиги ва барча аутентик белгиларнинг асиллиги сақланишини таъминлайдиган (ҳар дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) бўлиши керак.

20. Ягона портал орқали жўнатишган ариза автоматик равишда ноёб рўйхатга олиш рақами берилган ҳолда рўйхатга олинади.

Ариза Асиллик палатасининг масъул ходими томонидан қабул қилинади, қабул қилинганлиги ҳақида билдиришнома берилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

21. Асиллик палатаси ариза бериш усулидан қатъи назар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинган аризани кўриб чиқади, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беради ёки рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этади ва ариза қабул қилинган санадан бошлаб:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун - 7 иш кунидан;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун - 5 иш кунидан;

ўз хоҳиши билан вақтинча фаолиятни тўхтатиб туриш учун - 8 иш соатидан;

ўз хоҳиши билан фаолиятни тиклаш учун - 8 иш соатидан;

ўз хоҳиши билан фаолиятни тўхтатиш учун - 8 иш соатидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади.

Асиллик палатаси ходимларига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани бевосита ариза берувчилардан, почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда қабул қилиш ҳамда аризани кўриб чиқиш жараёнида Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ёки Ягона портал орқали мурожаат қилган ариза берувчини таклиф қилиш тақиқланади.

22. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчидан бир энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади.

Тўлов Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида “SMS-ахборотлаш” хизмати уланган банк картаси билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали, Ўзбекистон Республикаси банклари кассаларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали, ҳисоб рақамидан банк ўтказмалари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

23. Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ўзи келиб ёки почта алоқаси воситаси ёхуд Ягона портал орқали мурожаат қилинган ҳолатларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 20 фоизи миқдоридаги маблағ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари кўрсатиш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) махсус шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади ва Агентликнинг фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланилади.

Ариза Ягона портал орқали тақдим қилинган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 10 фоизи миқдоридаги маблағ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва Интерактив давлат хизматлари ягона портали фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда вазирлик ходимларини қўшимча рағбатлантиришни молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади, қолган қисми

Асиллик палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади ва тушадиган маблағлар унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, меҳнатга ҳақ тўлашга ва унинг ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

24. Ариза берувчи берилган аризани рад этган тақдирда ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

25. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни бажариш натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва/ёки соғлиғига, жамоат хавфсизлигига ва/ёки атроф муҳитга зарар етиши хавфи пайдо бўлишига шубҳа пайдо бўлган тақдирда Асиллик палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ариза берувчининг ишлаб чиқариш базасини унинг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга тайёрлигини аниқлаш юзасидан текширишдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

26. Ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган қарорни қабул қилиш муддати тугашидан камида уч иш соатидан кечикмай, Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича берилган аризага кўра расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини ёки ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани юборди.

Давлат хизматлари кўрсатиш марказига аризани ўрганиб чиқиш натижаси бўйича тушган, Давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан қоғозга чоп этилган ва унинг муҳри босилган ҳужжат Асиллик палатаси томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига тенглаштирилади.

27. Агар Асиллик палатаси ариза берувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим қилинган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишнинг белгиланган муддати мобайнида ариза берувчига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини юбормаса ёки ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича унинг аризасида кўрсатилган шаклда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида хабардор қилмаса, ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган муддат ўтгач ариза берувчи бу тўғрида Давлат хизматлари кўрсатиш маркази ёхуд Ягона портал орқали тегишли билдиришномани юбориб қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда Асиллик палатаси ариза берувчининг тегишли билдиришномаси олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини юбориши шарт.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олингунга қадар Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг ноёб рўйхатдан ўтказиш рақамига эгалик тўғрисидаги билдиришномаси ёки ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами қабул қилинганлиги ва у тўғрисидаги белги қўйилган билдиришнома олинганлиги тўғрисидаги тилхат рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига тенглаштирилади ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

28. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ва Асиллик палатаси бошлиғининг, у йўқлигида эса

Ўринбосарининг ЭРИ билан тасдиқланади, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган аризага кўра Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига юборилади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги зарур маълумотлар тегишли ахборот тизимларига киритилади ва қоғозда расмийлаштириладиган реестрда қайд этилади.

29. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги учун бир энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади.

30. Тўлов Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида “SMS-ахборотлаш” хизмати уланган банк картаси билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали, Ўзбекистон Республикаси банклари кассаларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали, ҳисоб рақамидан банк ўтказмалари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

31. Давлат хизматлари кўрсатиш марказига келган ҳолда ёки почта алоқаси воситаси ёхуд Ягона портал орқали мурожаат қилинган ҳолатларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 20 фоизи миқдоридаги сумма Агентликнинг махсус шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади ва унинг фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади.

Ариза Ягона портал орқали тақдим қилинган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 10 фоизи миқдоридаги сумма Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва Интерактив давлат хизматлари ягона портали фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда вазирлик ходимларини кўшимча рағбатлантиришни молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади, қолган қисми Асиллик палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади ва тушадиган маблағлар унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, меҳнатга ҳақ тўлашга ва унинг ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

32. Асиллик палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, шунингдек, ариза берувчи берилган аризани рад этган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун тўланган йиғим суммаси қайтарилиши керак.

33. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича Асиллик палатаси ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси билан бирга ариза берувчига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланган савдо объектининг дислокациясини (кейинги ўринларда жойлашиш тартиби деб аталади) юборади.

34. Савдо объектининг жойлашиш тартибини олиш учун Асиллик палатаси ариза олинган санадан бошлаб бир иш кундан кечикмай идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига жойлашиш тартибини олиш учун сўров юборади.

Жойлашиш тартиби учун идоралараро электрон сўров юборилган сана у идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига юборилган сана ҳисобланади.

Савдо қилишга мўлжалланган бир жойнинг ўзига заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун бир нечта ариза тушган тақдирда, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун устунлик ҳуқуқига биринчи бўлиб ариза юборган ариза берувчи эга бўлади. Қолган ариза берувчиларга сабаблари кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида хабар юборилади.

35. Жойлашиш тартибини расмийлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур маълумотларни белгиланган тартибда мустақил равишда олади.

36. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланган жойлашиш тартиби идоралараро электрон сўров тушган санадан бошлаб уч иш кунидан кечикмай Асиллик палатасига юборилади.

Тасдиқланган жойлашиш тартиби идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига юборилган сана тасдиқланган жойлаштириш тартиби ҳудудий мансубликка мувофиқ жўнатилган сана ҳисобланади.

37. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланган жойлашиш тартиби (асослари кўрсатилган рад этиш мавжуд бўлмаганда) тақдим этилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги ариза берувчига заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилиши рад этилиши учун асос ҳисобланмайди.

38. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган маълумотлар ариза берувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

ариза берувчининг ушбу Низомнинг 10 ва 11-бандларида назарда тутилган руҳсат бериш талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

ариза берувчи томонидан кўрсатилган маълумотларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Низомнинг 25-бандига мувофиқ ўтказилган текширишлар яқунлари бўйича ҳулосанинг асосли равишда салбий бўлиши сабабларининг мавжудлиги.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришнинг бошқа асосларга, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслигига кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

39. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига рад этиш ҳақида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича рад этиш сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатиб ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда тегишли билдиришнома жўнатади.

Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиш ва ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган муддат ўтгиз календарь кун доирасида белгиланади.

40. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш учун олдин асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки уни беришни рад этиш Асиллик палатаси томонидан ариза берувчининг рад этишнинг сабаблари бартараф этилгани ва уларнинг бартараф этилгани тўғрисидаги аризаси ва сабабларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли маълумотлар олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Рад этишнинг сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва тегишли маълумотлар ушбу Низомнинг 3-бобида назарда тутилган тартибда тақдим қилинади.

41. Аризани такроран кўриб чиқишда рад этиш тўғрисидаги билдиришномада олдин кўрсатилмаган янги асослар билан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этишга йўл қўйилмайди, олдин кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

42. Рад этилгани тўғрисидаги ёзма билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади ва ушбу Низомнинг 12 ва 13-бандларида кўрсатилган шартларда кўриб чиқилади.

43. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилганлиги, шунингдек, Асиллик палатаси мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш

44. Юридик шахс қайта ташкил этилган, жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган, фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ёхуд у томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган жойни ва/ёки фаолият турини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилганида, юридик шахс (унинг ҳуқуқий вориси) ушбу Низомнинг 12 ва 13-бандларида назарда тутилган тартибда қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш кунини давомида ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганлиги ҳақида:

ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ўзгаришларни тасдиқловчи маълумотларни;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами, берилган ва амал қилиш муддати тугаган саналарни;

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш мўлжалланган объектнинг (рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш жойи ўзгарган тақдирда) ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллардан (рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш жойи ўзгарган тақдирда) фойдаланиш мўлжалланган объектлар учун - объектнинг техник мустаҳкамлиги ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари кўриклаш бўлинмаларининг техник кўриклаш Маркази (пункти)га уланганлиги ҳақидаги маълумотларни;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун тўланган йиғим ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ариза бериши керак.

45. Ариза қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ўзи бориб ёки почта алоқаси воситаларидан фойдаланиб ёхуд Ягона портал орқали электрон шаклда ариза берувчининг ЭРИ билан тасдиқланиб тақдим этилади.

46. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ўзи бориб ёки почта алоқаси воситалари ёхуд Ягона портал орқали мурожаат этилган ҳолларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун тўланадиган йиғим суммасининг 20 фоизи Агентликнинг махсус ҳисоб рақамига унинг фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш учун ўтказилади.

Ягона портал орқали ариза тақдим қилинган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 10 фоизи миқдоридаги маблағ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва Интерактив давлат хизматлари ягона портали фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда вазирлик ходимларини қўшимча рағбатлантиришни молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади, қолган қисми Асиллик палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади ва тушадиган маблағлар унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, меҳнатга ҳақ тўлашга ва унинг ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича рад этиш сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатиб ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда рад этиш ҳақида тегишли билдиришномани юборади.

Асиллик палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилади.

47. Асиллик палатасидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганлиги ҳақидаги билдиришнома олингунга қадар ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами билан ариза қабул қилинганда берилган тилхат ёки Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг ариза қабул қилинганлиги ва ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами тўғрисида белги қўйилган аризанинг нусхаси рўйхатдан ўтказиш

гувоҳномасига тенглаштирилади ва қимматбаҳо металллар билан ишларни амалга оширишни давом эттиришга асос бўлади (рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган, фаолият кўрсатиш жойи ва/ёки фаолият тури ўзгариши билан боғлиқ бўлган қайта расмийлаштириш бундан мустасно).

48. Асиллик палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун тақдим этилган аризани кўриб чиқиб ушбу Низомда назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини расмийлаштиради.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш жараёнида Асиллик палатаси қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотларни тегишли ахборот тизимларидаги электрон шаклдаги реестрга киритади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганда олдин берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўзгармайди.

49. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш Давлат хизматлари кўрсатиш марказидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун ариза олинган ёхуд Ягона портал орқали ариза берувчи томонидан Асиллик палатасига тегишли ариза тақдим этилганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

50. Фаолият кўрсатиш жойи ўзгариши муносабати билан заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 3-иловага мувофиқ шакл бўйича) кўриб чиқиш яқунлари бўйича Асиллик палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси билан биргаликда тегишли равишда ҳудудий мансубликка кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланган (янги) жойлашиш тартибини ариза берувчига юборади.

51. Асиллик палатаси (янги) жойлашиш тартибини олиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштиришга ариза олинган кундан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали тегишли равишда ҳудудий мансубликка кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига сўровнома юборади.

Идоралараро электрон сўровнома юборилган сана у идоралараро электрон ҳамкорлик тизимида юборилган сана ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари жойлашиш тартибини расмийлаштириш учун бошқа ваколатли органларда бор бўлган ўзларига зарур маълумотларни белгиланган тартибда мустақил равишда оладилар.

Тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланган жойлашиш тартиби Асиллик палатасининг идоралараро электрон сўрови тушган санадан бошлаб уч иш кунидан кечикмай Асиллик палатасига юборилади.

Тасдиқланган жойлашиш тартиби идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига юборилган сана у юборилган сана ҳисобланади.

52. Тасдиқланган (янги) жойлашиш тартиби тақдим этилмаслиги (асосланган рад этиш мавжуд бўлмаганда) ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлдан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштиришда ариза берувчига рад жавоби берилиши учун асос ҳисобланмайди.

53. Асиллик палатасига аризаларни кўриб чиқиш жараёнида бевосита ариза берувчилардан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани қабул қилиш, Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ягона портали орқали мурожаат этган ариза берувчиларни уларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнида таклиф қилиш тақиқланади.

54. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати ариза берувчи томонидан унда кўрсатган муддат ўтгунга қадар узайтирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 2-иловада назарда тутилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширишга (фаолият турлари гуруҳлари доирасида) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича Давлат хизматлари кўрсатиш марказига шахсан ўзи келиб ёхуд Ягона порталга ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклдаги рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган жойи (почта манзили), фаолиятни олиб бориш жойи (манзили), банк бўлинмаси номи ва банкнинг ҳисоб рақами, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-сайт – мавжуд бўлганда;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами, берилган вақти ва амал қилиш муддати тамом бўлиши санаси;

тарози ва тошлар текширишдан ўтганлиги ҳақидаги маълумот (тарозилар фарқи)

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан берилаётган қимматбаҳо металллардан фойдаланиш мўлжалланган объектлар учун – объектнинг техник мустаҳкамлиги ва объект Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш Марказига (пунктига) уланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

55. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлдан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш учун (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорига 3-иловага мувофиқ шакл бўйича) ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ягона порталга ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклдаги рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилади ва унда қуйдагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган жойи (почта манзили), фаолиятни олиб бориш жойи (манзили), банк бўлинмаси номи ва банкнинг ҳисоб рақами, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-сайт – мавжуд бўлганда;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами, берилган вақти ва амал қилиш муддати тамом бўлиши санаси;

тарози ва тошлар текширишдан ўтганлиги ҳақидаги маълумот (тарозилар фарқи)

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

56. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди йиғим ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ўзи келиб ёки почта алоқаси ёхуд Ягона портал орқали мурожаат қилинган ҳолатларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 20 фоизи миқдориди маблағ Агентликнинг махсус шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади ва унинг фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланилади.

Ариза Ягона портал орқали тақдим қилинган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун тўланаётган йиғимнинг 10 фоизи миқдориди маблағ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва Интерактив давлат хизматлари ягона портали фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда вазирлик ходимларини қўшимча рағбатлантиришни молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади, қолган қисми Асиллик палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади ва тушадиган маблағлар уни сақлашга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, меҳнатга ҳақ тўлашга ва унинг ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган қарор қабул қилиш муддати тугаллангунга қадар уч иш соатидан кечикмай, Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича берилган ариза ҳисобга олинган ҳолда узайтирилган рўйхатдан

ўтказиш гувоҳномасини ёки рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани юборади.

Асиллик палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда тўланган йиғим қайтарилади.

57. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Асиллик палатаси қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади, шунингдек, тегишли ахборот тизимларида электрон шаклда шакллантирилган реестрга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги ҳақидаги маълумотларни киритади.

58. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши унда кўрсатилган амал қилиши муддати тугаган санадан тўхтатилади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза тушмаган ҳолларда Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва усулда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёки ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилганлиги ҳақидаги билдиришномани юборади ва унинг амал қилиши тўхтатилганлиги ҳақидаги маълумотларни тегишли ахборот тизимида киритади.

59. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тамом бўлган санадан бошлаб юридик шахс қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ ишларни бажариш билан боғлиқ ўз фаолиятини тўхтатиши шарт.

6-боб. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тўхтатиш

60. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 ва 23-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Амал қилиш муддати тўхтатиб турилган, қайта тикланган ёхуд тўхтатилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотлар Асиллик палатаси томонидан тегишли ахборот тизимларига киритилади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатишга олиб келадиган рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир марта кўпол равишда бузилишига қўйидагилар киради:

рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилишини Асиллик палатаси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлардан бош тортиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат асиллик тамғаси қўйилмаган ва/ёки уларни сотишнинг амалдаги тартибларини бузган ҳолда заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа буюмларни сотиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни бажариш натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва/ёки соғлиғига, юридик шахсларнинг ва/ёки яқка тартибдаги тадбиркорларнинг мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бундай зарар етказилишининг аниқ хавфи пайдо бўлиши.

61. Асиллик палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинганда тўхтатиш ҳақидаги тегишли билдиришнома (ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича) ёки тўхтатиб қўйилганлиги ҳақидаги тегишли билдиришнома (ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ шакл бўйича) ариза берувчининг электрон почта манзилига, унинг жойлашган почта манзилига ёки Ягона порталдаги шахсий кабинетига аризада кўрсатилган шаклда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки тўхтатилишининг асосланган сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатлар кўрсатилган ҳолда юборилади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилганлиги ёки тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида қабул қилинган қарорлар бўйича Асиллик палатаси қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади ҳамда тегишли ахборот тизимларида шакллантириладиган электрон шаклда тузиладиган реестрга тўхтатиб қўйилган ва/ёки тўхтатилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотларни киритади.

62. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб қўйилишига олиб келган сабаблар ариза берувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда аризани кўриб чиқиш Асиллик палатаси томонидан ариза тушган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб қўйилганлиги сабаблари бартараф қилинганлиги тўғрисидаги ариза ва тўхтатиб қўйилишига сабаб бўлган камчиликлар бартараф қилинганлигини тасдиқловчи тегишли маълумотлар ушбу Низомнинг 4-бобида назарда тутилган тартибда тақдим қилинади.

Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

63. Амал қилиши тўхтатиб қўйилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг қайта тикланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ишчи орган қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади ҳамда амал қилиши тўхтатиб қўйилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни тегишли ахборот тизимларида электрон шаклда шакллантириладиган реестрга киритади. Ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ шакл бўйича тегишли билдиришнома ариза берувчига унинг аризасида кўрсатилган шаклда юборилади.

64. Ариза берувчи томонидан ўз фаолиятини ихтиёрий равишда вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва усулга мувофиқ Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ягона портал орқали ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклда ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ўз фаолиятини ихтиёрий равишда вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида ариза берилади, аризада:

юридик шахсинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), у жойлашган жой (почта манзили), фаолият амалга ошириладиган жой (манзил), банк бўлинмасининг номи ва банк ҳисоб рақами, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-сайт – мавжуд бўлганда;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами, берилган санаси ва унинг амал қилиш муддати тамом бўлиши санаси кўрсатилади.

65. Ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган қарор қабул қилиш муддати тамом бўлишидан камида уч иш соатидан кечикмай, Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига у томонидан аризада кўрсатилган шаклда ушбу Низомга 12-иловага мувофиқ шакл бўйича қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришномани юборади ва тегишли ахборот тизимларига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси амал қилиши ихтиёрий вақтинча тўхтатиб турилиши ҳақида электрон шаклдаги маълумотни киритади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчи хабардор қилинган санадан бошлаб рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилган деб ҳисобланади.

66. Вақтинча тўхтатиб турилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши муддати узайтирилиши тўғрисида ариза тушмаган тақдирда Асиллик палатаси унинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин кейинги кунда унинг тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотларни тегишли ахборот тизимларига киритади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилиши тўғрисидаги билдиришномани юборади.

67. Вақтинча тўхтатиб турилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши ихтиёрий равишда тикланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга ва усулга мувофиқ Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ягона портал орқали ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклдаги ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича ихтиёрий равишда тўхтатиб турилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси тикланишига ариза берилади, аризада:

юридик шахсинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), у жойлашган жой (почта манзили), фаолият амалга ошириладиган жой (манзил), банк бўлинмасининг номи ва банк ҳисоб рақами, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-сайт – мавжуд бўлганда;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами, берилган санаси ва унинг амал қилиш муддати тамом бўлиши санаси кўрсатилади.

68. Ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган қарор қабул қилиш муддати тугалланишидан камида уч иш соатидан кечикмай, Асиллик палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига у томонидан аризада кўрсатилган шаклда ушбу Низомга 13-иловага мувофиқ шакл бўйича қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришномани юборади ва тегишли ахборот тизимларига

вақтинча тўхтатиб турилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тикланганлиги ҳақида электрон шаклдаги маълумотни киритади.

Белгиланган тартибда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчи томонидан аризада кўрсатилган тартиб ва усулда ариза берувчи хабардор қилинган санадан бошлаб рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тикланган деб ҳисобланади.

69. Юридик шахснинг муассислари (қатнашчилари) томонидан ихтиёрий равишда тугатиш ёки фаолиятнинг ушбу турини амалга оширишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд Ягона портал орқали ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклдаги ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини ихтиёрий равишда тўхтатишга ариза берилади, аризада:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), у жойлашган жой (почта манзили), фаолият амалга ошириладиган жой (манзил), банк бўлинимасининг номи ва банк ҳисоб рақами, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, веб-сайт – мавжуд бўлганда;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами, берилган санаси ва унинг амал қилиш муддати тамом бўлиши санаси кўрсатилади.

70. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини ихтиёрий равишда тўхтатиш тўғрисида Ягона портал орқали ариза берилган тақдирда Асиллик палатаси ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган қарор қабул қилиш муддати тугалланишигача уч иш соатидан кечикмай ариза берувчи томонидан аризасида кўрсатилган шаклда ушбу Низомга 14-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотни тегишли ахборот тизимларида шакллантириладиган реестрга электрон шаклда киритади.

71. Қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчи у томонидан аризада кўрсатилган белгиланган тартибга ва усулга мувофиқ хабардор қилинган санадан бошлаб рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши ихтиёрий равишда тўхтатилган деб ҳисобланади.

72. Амалга оширилишига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси расмийлаштирилган фаолият турлари гуруҳлари доирасидаги ишлар фақат ариза берувчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

73. Асиллик палатасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

7-боб. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестри

74. Асиллик палатаси “Лицензия” ахборот тизимлари комплекси воситасида рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрини шакллантиради.

75. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

а) аризачи берувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар, шу жумладан, ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, ташкилий-ҳуқуқий шакли;

б) почта манзили, иш телефони, факс, электрон почта манзили;

в) фаолият амалга ошириладиган жой манзили;

г) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилган сана ва рақами;

д) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси амал қилиши муддатининг тамом бўлиши санаси;

е) уни (уларни) амалга оширишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилган фаолият турлари гуруҳлари доирасида иш тури (турлари);

ж) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш санаси ва асослари;

з) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси амал қилишини тўхтатишнинг асоси ва санаси.

76. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестридаги маълумотлар Асиллик палатасининг расмий веб-сайтида, “Лицензия” ахборот тизимлари комплексида жойлаштирилади ва танишиш учун очиқ ҳисобланади.

8-боб. Яқунловчи қоида

77. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни бажариш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ариза берувчи (юридик шахс)	<p>1. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олишга ариза бериш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлайди.</p> <p>2. Давлат хизматлари кўрсатиш марказларига ўзи бориб ёхуд Ягона портал орқали электрон шаклда ариза беради.</p>	ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Асиллик палатаси	<p>1. Ягона портал орқали юборилган ариза автоматик тарзда рўйхатга олинади ва ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами берилади.</p> <p>2. Ўзи бориб Давлат хизматлари кўрсатиш маркази орқали юборилган ариза – Асиллик палатаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.</p>	1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) ҳужжатлар қабул қилинган кунда;
3-босқич	Асиллик палатаси	<p>1. Аризада кўрсатилган маълумотларни идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали ваколатли органлардан олиш учун ҳужжатларни сўровнома тайёрлаш учун тегишли ходимга беради.</p> <p>2. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун зарур маълумотларни бундай маълумотлар бўлган бошқа ваколатли органлардан сўровномалар юбориш орқали белгиланган тартибда олади.</p> <p>3. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш бўйича қарор қабул қилиш учун ваколатли органлардан олинган маълумотларни кўриб чиқади.</p>	1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) ариза қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида; 3) ариза тушган кундан бошлаб беш иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда;
4-босқич	Асиллик палатаси	Олинган ҳужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқади ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	1) ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида;

5-босқич	Асиллик палатаси	<p>1. Ариза берувчини аризада кўрсатилган шакл бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади;</p> <p>2. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда рад этиш ҳақидаги билдиришнома ариза берувчига аризада кўрсатилган шакл бўйича юборилади, унда рад этишнинг асосланган сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.</p> <p>3. Қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига тегишли ёзувларни киритади, шунингдек, «Лицензия» ахборот тизимлари комплексида электрон шаклда шакллантириладиган реестрга маълумотларни киритади.</p> <p>4. Расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига юборади.</p>	<p>1), 2) қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида;</p> <p>3), 4) қарор қабул қилиш муддатигача уч иш соатидан кечикмай</p>
6-босқич	Ариза берувчи	<p>Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.</p>	<p>билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш куни ўтгач, бироқ ўттиз календарь кундан ортик эмас</p>
7-босқич	Асиллик палатаси	<p>1. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин ариза берувчининг такроран кўриб чиқиш учун тақдим этилган ҳужжатларини кўриб чиқади.</p> <p>2. Аризада кўрсатилган шаклда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади.</p> <p>3. Қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси реестрига тегишли ёзувларни киритади, шунингдек, «Лицензия» ахборот тизимлари комплексида электрон шаклда шакллантириладиган реестрга маълумотларни киритади.</p> <p>4. Расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини Давлат хизматлари кўрсатиш марказига ёхуд ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига юборади.</p>	<p>рад этиш сабабларини бартараф этганлик тўғрисидаги ариза олингандан сўнг беш иш куни мобайнида</p>

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо
тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан
ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа
буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо турлари гуруҳлари бўйича ишларни амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ариза тайёрлайди.</p> <p>2. Давлат хизматлари кўрсатиш марказларига ўзи бориб ёки почта алоқаси воситалари орқали аризани тақдим этади.</p> <p>3. Ариза берувчи томонидан заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар савдоси билан шуғулланишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун Ягона портал орқали электрон шаклда юборилган ва зарур маълумотлар кўрсатилган ариза Ягона порталда ноёб рақам берилган ҳолда автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади.</p>	1, 2, 3) ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Асиллик палатаси	<p>1. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар савдоси билан шуғулланишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ариза берувчи томонидан Ягона портал орқали электрон шаклда юборилган ва зарур маълумотлар кўрсатилган аризани Асиллик палатасининг масъул ходими қабул қилиб олади.</p> <p>2. Ариза берувчи томонидан Давлат хизматлари кўрсатиш маркази орқали ариза ёки бошқа ҳужжатлар юборилганда марказ ходими ҳужжатларни Асиллик палатасига белгиланган тартибда юборади.</p> <p>3. Аризани Давлат хизматлари кўрсатиш марказидан идоралараро электрон ҳамкорлик тизими бўйича қабул қилиш.</p> <p>4. Масъул ходим хизматлар паспортида қайд этилган маълумотларни хизматлар кўрсатишда иштирок этувчи ваколатли органлардан олиш учун сўровномаларни идоралараро электрон ҳамкорлик тизими (кейинги ўринларда ЭХАТ деб аталади) орқали жўнатади.</p>	1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда 2) ҳужжатлар қабул қилинган кунда 3) бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда 4) тегишли ариза қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда

		<p>5. Масъул ходим савдо объектининг жойлашиш тартибини олиш сўровномасини тайёрлайди ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига жўнатади.</p> <p>6. Сўровномаларни жўнатиш орқали бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда қабул қилади.</p>	<p>5, 6) сўровнома ЭҲАТ орқали юборилган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда</p>
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	<p>1. Савдо объектининг жойлашиш тартибини олиш учун сўровномани ЭҲАТ орқали қабул қилади.</p> <p>2. Объектнинг заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо турлари гуруҳлари бўйича ишларни амалга ошириш талабларига мувофиқлигини текширади.</p> <p>3. ЭҲАТ орқали савдо объектининг тасдиқланган жойлашиш тартибини Асиллик палатасига юборади.</p>	<p>1) ЭҲАТ орқали сўровнома қабул қилинган кунда</p> <p>2) ЭҲАТ орқали сўровнома қабул қилинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида</p> <p>3) 2-бандда кўрсатилган муддат тугагунга қадар уч иш соатидан кечикмай</p>
	Асиллик палатаси	<p>1. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдони амалга оширишда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ариза берилганда тақдим этилган маълумотлар, ҳужжатларнинг талабларга мувофиқлигини текширади.</p> <p>2. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки бермаслик ҳақидаги қарорни қабул қилади.</p> <p>3. Аризада кўрсатилган шаклда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади.</p> <p>4. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг электрон шаклини расмийлаштиради ҳамда уни савдо объектининг тасдиқланган жойлашиш тартиби билан биргаликда ариза берувчининг Ягона порталда рўйхатга олинган шахсий кабинетига ёки Давлат хизматлари кўрсатиш марказига юборади.</p>	<p>1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда</p> <p>2) ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб етти иш куни мобайнида</p> <p>3) қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай;</p> <p>4,5,6) 2-бандда кўрсатилган муддат тугагунга қадар уч иш соатидан кечикмай</p>

		<p>5. Қоғозда расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси реестрига тегишли ёзувларни киритади.</p> <p>6. Электрон шаклда шакллантириладиган "Лицензия" ахборот тизимлари комплексидаги реестрга тегишли ёзувларни киритади.</p> <p>7. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда ариза берувчига рад этишнинг асосли сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ёзма билдиришномани тайёрлайди ва юборади.</p>	<p>7) қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай</p>
--	--	--	---

4-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этади.</p> <p>2. Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ҳужжатларни қайта тақдим этади.</p>	<p>1,2) гувоҳнома беришни рад этиш ҳақидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда</p>
----------	---------------	--	--

5-босқич	Асиллик палатаси	<p>1. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришда рад этишга асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан сўнг ариза берувчининг қайта тақдим этилган ҳужжатларини кўриб чиқади.</p> <p>2. Аризада кўрсатилган шаклда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади.</p> <p>3. Расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси Асиллик палатаси томонидан ариза берувчининг Ягона порталда рўйхатга олинган шахсий кабинетига ёки Давлат хизматлари кўрсатиш марказига белгиланган тартибда юборилади.</p>	<p>1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда</p> <p>2) ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида;</p> <p>3) 2-бандда кўрсатилган муддат тугагунга қадар уч иш соатида</p>
----------	------------------	---	---

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо
тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан
ўтказиш гувоҳномасини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Серия GPP № 0008000
бланка рақами



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАР АГЕНТЛИГИ
ДАВЛАТ АСИЛЛИК ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАШ ПАЛАТАСИ

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун
РЎЙХАТГА ОЛИШ ГУВОҲНОМАСИ

N _____

20 __ йил " __ " _____

Берилди:

(юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда)

Юридик шахснинг почта манзили:

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Рўйхатга олиш гувоҳномаси берилган сана:

20 __ йил « __ » _____
(йил, кун, ой)

Рўйхатга олиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати:

20 __ йил « __ » _____
(йил, кун, ой)

Гувоҳноманинг реестр бўйича тартиб рақами:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Фаолият турлари гуруҳи номи:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Гуруҳ рақами Фаолият тури

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Гуруҳ рақами Фаолият тури

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Гуруҳ рақами Фаолият тури

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Фаолият кўрсатиш жойи почта манзили:

Ваколатли шахс:

(имзо)*

М.Ў.*

(раҳбарнинг Ф.И.О.)*

QR-код,
масъул шахснинг
электрон рақамли
имзосидан иборат

*Электрон рақамли имзо ва QR-код генерацияловчи дастурий-техника воситалари мавжуд бўлганда ваколатли орган масъул шахсининг лавозими, имзоси, фамилияси ва исми, ота исмининг бош харфлари ва муҳри кўрсатилмайди.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

А Р И З А

I. Мурожаатнинг мақсади:

1-1. қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун;

1-1-1. қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун;

1-1-2. заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун.

II.	Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар – қуйидаги сифатида мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъекти:										
2-1	<input type="checkbox"/> юридик шахс;										
2-1-1	Юридик шахснинг тўлиқ номи:										
2-2	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):										
2-3	Ариза берувчи (ариза берувчи вакили)нинг жинси:			2-3-1.	<input type="checkbox"/>	эркак;		2-3-2.	<input type="checkbox"/>	аёл.	
III.	Ариза берувчининг жойлашган жойи (почта манзили):										
3-1	Кўча:			3-1-1.	Боши берк кўча №:			2-1-2.	Тор кўча №:		
3-2	Уй №:			2-3.	Квартира №:						
3-4	Шаҳар:										
3-5	Посёлка:										
3-6	Қишлоқ (овул):										
3-7	Туман:										
3-8	Вилоят:										
3-9	Республика:										
3-10	Почта индекси:										
IV.	Боғланиш учун маълумотлар:										
4-1	Ариза берувчининг уяли телефон рақами коди билан:										
4-2	Телефон рақами коди билан:										
4-3	Электрон почта манзили:										
V.	Фаолиятни амалга ошириш жойи манзили:										
5-1	<input type="checkbox"/> ушбу аризанинг III бўлимида кўрсатилган манзил бўйича;										
5-2	<input type="checkbox"/> бошқа манзил бўйича:										
VI.	Аризада кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш ушбу аризанинг V бўлимида кўрсатилган манзил бўйича жойлашган бино (хона) ҳақида маълумотлар:										
	<input type="checkbox"/> мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли;										
	<input type="checkbox"/> ижарага олинган;										
6-1	Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишлилиги кўрсатилган ҳолатларда:										
6-1-1	Объект (бино, хона)нинг кадастр рақами:										
6-2	Бино, хона ижарага олинган бўлса, бино (хона)нинг ижарага олинганлиги ҳақида тузилган шартнома тўғрисидаги маълумот кўрсатилади:										

6-2-1	Ижара шартномаси рақами:
6-2-2	Ижара шартномаси имзоланган сана:
6-2-3	Ижарачининг номи:
VII.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олишда фаолият турларининг номи:
7-1	Ломбард фаолияти (<i>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензияси</i>):
7-1-1	Лицензия рақами:
7-1-2	Лицензия берилган сана:
7-1-3	Лицензион фаолиятини амалга ошириш жойи манзили:
7-1-4	<input type="checkbox"/> Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни гаровга қабул қилиш.
7-1-5	<input type="checkbox"/> Гаровга олинган мулкни (заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар) белгиланган тартибда сотиш.
7-2	Микрокредит фаолияти (<i>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензияси</i>):
7-2-1	Лицензия рақами:
7-2-2	Лицензия берилган сана:
7-2-3	Лицензия фаолиятини амалга ошириш жойи манзили:
7-2-4	<input type="checkbox"/> Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни гаровга қўйиш эвазига кредит бериш.
7-2-5	<input type="checkbox"/> Гаровга олинган мулкни (заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни) гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгиланган тартибда сотиш.
7-3	Баҳолаш фаолияти (<i>Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг лицензияси</i>)
7-3-1	Лицензия рақами:
7-3-2	Лицензия берилган сана:
7-3-3	Лицензия фаолиятини амалга ошириш жойи манзили:
7-3-4	<input type="checkbox"/> Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни баҳолаш.
7-3-5	<input type="checkbox"/> Қимматбаҳо тошларни баҳолаш.
7-4	Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хомашё билан ишлаш:
7-4-1	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хомашёни қайта ишлаш, ташиш, қазиб олиш, минерал хомашёни шихтовкалаш.
7-4-2	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган концентратларни, гравитацион концентратларни, шлих олтинини, Доре қотишмаларини, катод металлларни, рухли чўкмаларни, бойитилган смолани олиш, ташиш.
7-4-3	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш.
7-4-4	<input type="checkbox"/> Хусусий ишлаб чиқаришдан чиқадиган чиқиндилардан механик, кимёвий ва металлургия жараёнларидан фойдаланиб қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш.
7-5	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш:
7-5-1	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган терможуфтлик, термореле, термоқаршилиқ, ускуналардан, лаборатория идишлари, катализаторлар, катализатор турларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш.
7-5-2	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган қопламаларни (кимёвий, электрокимёвий, чанглатиш ва бошқа усуллар ёрдамида) тайёрлаш ва татбиқ этиш.
7-5-3	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган (тиббиёт препаратлари, реагент, кимёвий бирикмалар ва бошқалар) моддаларни ишлаб чиқариш, қўллаш ва сақлаш.

7-5-4	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган электродлар, анодлар, контактлар, кавшарларни тайёрлаш, сақлаш, фойдаланиш.
7-5-5	<input type="checkbox"/> Озиқ-овқат, алкаголли маҳсулотлар ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қимматбаҳо металллардан ва таркибида қимматбаҳо металллар бўлган озуқа қўшимчаларидан фойдаланиш.
7-5-6	<input type="checkbox"/> Табиий олмосдан ясалган фильерлар, волоклар, учликлар, олмос ва табиий олмослардан ясалган бурғилаш олмос асбобларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш. Олмосли асбобларни рекуперация қилиш ишларини олиб бориш.
7-6	Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналар билан ишлаш:
7-6-1	<input type="checkbox"/> Маиший техника, тиббиёт техникаси, ташкилий техникани қисмларга ажратиш, дастлабки қайта ишлаш, сархиллаш, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган босма плиталар ва бошқаларни утилизация қилиш.
7-6-2	<input type="checkbox"/> Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар узелларидаги ускуналарни қисмларга ажратиш ва утилизация қилиш, қисмларга ажратиш ва утилизация қилишдан чиққан, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарига топшириш.
7-7	Қимматбаҳо металллардан ҳарбий ва/ёки авиация техникасида фойдаланиш:
7-7-1	<input type="checkbox"/> Ҳарбий ва авиация техникасини таъмирлашда қимматбаҳо металллардан фойдаланиш, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган ҳарбий ва авиация техникаси чиқиндиларини сақлаш ва фойдаланиш.
7-7-2	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган ҳарбий ва/ёки авиация техникасини сақлаш, қабул қилиш, ҳарбий ва/ёки авиация техникасидан таркибида қимматбаҳо металллар бўлган радиодеталлар ва элементларни ажратиб олиш, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган ҳарбий ва/ёки авиация техникаси чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлаш корхоналарига топшириш.
7-8	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ижтимоий ва маданий мақсадда ишлатиш:
7-8-1	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган предметлар ва буюмларни реставрация қилиш, сақлаш ва кўргазмалар ташкил қилиш.
7-8-2	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган декоратив қопламаларни қўллаш.
7-8-3	<input type="checkbox"/> Таркибида кумуш бўлган ёруғлик сезувчи материаллар, кинофоторентген плёнкалар, кинофоторентген пластинкалардан ва шунга ўхшаш материаллардан фойдаланиш.
VIII.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олишда фаолият турлари номи:
8-1	Чакана савдо:
8-1-1	<input type="checkbox"/> Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан комисион (воситачилик) савдо қилиш, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчидан шартнома асосида сотиб олиш.
8-1-2	<input type="checkbox"/> Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ва улардан ясалган заргарлик буюмларини сотиб олиш.
8-2	Улгуржи савдо:
8-2-1	<input type="checkbox"/> Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни улгуржи сотиб олиш.
8-2-2	<input type="checkbox"/> Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган моддаларни (тиббиёт препаратлари, реагентлар, кимёвий бирикмалар ва бошқалар) улгуржи сотиш ва сотиб олиш.
8-2-3	<input type="checkbox"/> Табиий олмосдан бўлган бурғилаш олмос ускуналарини улгуржи сотиб олиш ва сотиш.
IX.	Тарозилар, тошлар (ҳар хил оғирликдаги) текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар:
9-1	Ўлчов воситаларининг текширилганлиги ҳақида «Ўзстандарт» агентлигининг сертификат рақами.
9-2	Ўлчов воситаларининг текширилганлиги ҳақидаги сертификат берилган сана:
9-3	Ўлчов воситаларининг текширилганлиги ҳақидаги сертификатнинг амал қилиш муддати:
X.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш мўлжалланаётган объектнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар:
10-1	Объектнинг ёнгин хавфсизлигини текширган ҳудудий органнинг номи.

10-2	Объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосанинг рақами.									
10-3	Текшириш ўтказилган жойнинг манзили.									
10-4	Текшириш ўтказилган сана.									
10-5	Хулоса: <input type="checkbox"/> нормалар ва қоидаларга жавоб беради <input type="checkbox"/> нормалар ва қоидаларга жавоб бермайди.									
XI.	Объектнинг техникавий мустақамлиги ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш маркази (пункти)га уланганлиги ҳақидаги маълумотлар - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллар билан ишлаганда.									
11-1	Объектнинг техник мустақамлигини текширган ҳудудий органнинг номи.									
11-2	Объектнинг техник мустақамлик талабларига жавоб бериши ҳақидаги хулосанинг рақами.									
11-3	Текшириш ўтказилган жойнинг манзили.									
11-4	Текшириш ўтказилган сана.									
11-5	Хулоса: <input type="checkbox"/> нормалар ва қоидаларга жавоб беради <input type="checkbox"/> нормалар ва қоидаларга жавоб бермайди.									
XII.	Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш бўйича аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар:									
12-1	Тўлов ўтказилган сана:									
12-2	Тўлов топшириқномасининг рақами:									
12-3	Тўлов суммаси:									
XIII.	Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар:									
13-1	Тўлов ўтказилган сана:									
13-2	Тўлов топшириқномасининг рақами:									
13-3	Тўлов суммаси:									
XIV.	Банк реквизитлари ҳақидаги маълумотлар:									
14-1	Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи:									
14-2	Банкнинг МФО коди:									
14-3	Ҳисоб-китоб рақами:									
XV.	Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олишда мажбурий талаб ва шартларга риоя қилинишини тасдиқлаш:									
15-1	<input type="checkbox"/> рухсат бериш талаблари билан танишганман, уларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.									
15-2	<input type="checkbox"/> танланган фаолият тури бўйича қўшимча рухсат бериш талаблари билан танишганман, уларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.									
XVI.	Бошқа маълумотлар:									
16-1	Ариза берилган сана:	16-1-1.	ДД:		16-1-2.	ОО:		16-1-3.	ЙИЙЙ:	
16-2	Ариза берилган вақт:	16-2-1.	СС:		16-2-2.	Минут:				
16-3	<input type="checkbox"/> 1. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари билан савдо қилиш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган маълумотларнинг (ариза ва бошқа ҳужжатларнинг) ишончлилигини тасдиқлайман. <input type="checkbox"/> 2. Тақдим этилган маълумотлар ишончсизлиги ҳолатларида менга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш рад этилишидан ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беришимдан хабардорман.									
16-4	Ариза берувчининг имзоси (электрон тарзда – ариза электрон шаклда берилганда, ўз қўли билан – ўзи борганда)									

16-5	Ариза берувчининг вакили – юридик шахс ҳақидаги маълумотлар.									
16-5-1	Фамилияси:									
16-5-2	Исми:									
16-5-3	Отасининг исми:									
16-5-4	Паспорти:	16-5-4-1.	Сери я:	16-5-4-2.	Рақам:					
16-5-5	Берилган- лиги:	16-5-5-1.	СС:	16-5-5-2.	ОО:	16-5-5-3.	ЙИЙЙ:			
